


# FARMATSIYA, IMMUNITET VA VAKSINA PHARMACY, IMMUNITY AND VACCINE ФАРМАЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ВАКЦИНА



ToshVZITI

Ilmiy-amaliy  
jurnal



№1  
2022

ISSN: 2181 - 2470

Toshkent vaksina va zardoblar ilmiy - tadqiqot instituti

Узбекистана. Научно - практический фармацевтический журнал. – Ташкент, 2020. - №4. - С.34-35.

8. <https://www.pmedpharm.ru/content/documents/a2839f454a917a8d08d85476eba0e526.pdf>

## IDENTIFICATION AND SPECIFICATION OF THE ANTIOXIDANT PREPARATION "SERAXIDOL"

**Annotation:** *an analysis was carried out to study the authenticity of the identification and specification of the antioxidant drug Seraxidol. The drug Seraxidol (INN Ethylmethylhydroxypyridine succinate) is widely used as an active drug. The main purpose of seraxidol is related to heteroaromatic antioxidant analogues of compounds of the vitamin B<sub>(6)</sub> group. It has a wide range of pharmacological activity, in particular, it is an inhibitor of free radical processes, a stress-protective, membrane-protective agent with antihypoxic, nootropic, anxiolytic and anticonvulsant effects.*

**Key words:** *seraxidol, antioxidant, ethylmethylhydroxypyridine succinate, standard sample, validation, specificity, substance, authenticity, HPLC*

---

### Фармацевтика фанлари

УДК 615.454.1

**Фозилжонова Малика Шухратджановна**

*Ф.ф.н., ДВСТ кафедраси доценти,*

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш.*

**Камилов Хусан Масудович**

*Ф.ф.д., профессор, Биопрепаратлар лабораторияси мудири,*

*Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, Тошкент ш.*

**Рахимова Гулнора Рахим кизи**

*Ф.ф.н., ДВСТ кафедраси доценти,*

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш.*

## АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БОЗОРИ СЕГМЕНТИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** *Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган аллергияга қарши дори воситаларининг номенклатураси, шунингдек, уларнинг контент-таҳлили асосида рўйхатга олиш динамикаси ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ушбу мақолада 2021 йилда рўйхатга олинган аллергияга қарши дори*

воситалари миқдорини ўрганиш натижасида Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги ҳолатнинг комплекс таҳлили келтирилди. Шунингдек, маркетинг тадқиқотлар ўтказилиб, аллергия билан касалланган беморларни даволаш ва олдини олиш учун ўсимлик хомашёлари асосида суртма шаклидаги янги дори препаратини ишлаб чиқишнинг тиббиётда ва ижтимоий мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади.

**Калим сўзлар:** маркетинг, фармацевтик бозор, ишлаб чиқариш, дори препаратлари, антиаллергик дори воситалари, таққослаш усули, контент таҳлил, маркетинг тадқиқотлари, қайд этиши, ассортимент кенглиги.

**КИРИШ.** Ҳаётий муҳим товарлар сифатида янги дори воситаларини яратишдаги стратегик ёндашув уларни амалга оширишда маркетинг асосланишини талаб қилади. Дори воситаларининг мақсадли бозори сегментининг макро- ва микро муҳитини янада аниқроқ ўрганиш, янги дори воситасининг ижтимоий ва тиббий зарурлигини, унинг ракобатбардошлигини, инновационлигини, иқтисодий самарадорлиги ва тижоратдаги жозибадорлигини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнги ўн йилда, Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини сотиш ва истеъмол қилишнинг барқарор тенденцияси тасдиқланиб, маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар қарийб 3 бараварга ошганини кўриш мумкин [1,2]. Бунга нафақат иқтисодиётдаги инкирозлар, балки хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган дори воситалари таннархининг сезиларли даражада ошиши сабаб бўлгандир.

Сўнги йилларда маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаол инновацион сиёсат, ишланмалар сонининг кўпайиши ва ишлаб чиқаришга оригинал дори воситалари, принципиал жиҳатдан янги комбинацияланган дори воситалари, ўсимлик хомашёларидан олинадиган дори воситаларини жорий этишни ривожланиши билан ажралиб туради. Саноат корхоналари доимий равишда ўзларининг инновацион портфелига энг кенг тарқалган касалликларни даволаш учун ишлатиладиган дори-дармонларни, шу жумладан, аллергия, юрак-қон томир, ошқозон-ичак, микробларга қарши, антидиабетик ва артрозни даволаш каби дори воситаларини киритиб келмоқда. Шу билан бирга ёшга боғлиқ фармакология ва янги авлод дори воситаларини яратиш бўйича янги ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш давлат дастурларининг устувор йўналишига айланиши керак.


Жаҳон фармацевтика лидерлари ҳар йили ўзларининг инновацион бюджетларини ошириб бормоқда, бу эса уларга етакчи яъни лидерлик ўринларни фаол сақлаб қолишни ва янги дори воситалари бозорида

муваффақиятли рақобатлашиш имконини беради. 2019 йилда дунёнинг 10 нафар энг етакчи инновацион компаниялари янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш учун тахминан 90 миллиард АҚШ доллари сарфлаши башорат қилинган, Novartis - 10; Roshe - 9,4; Merck - 8,8; Pfizer - 8,4 шулар жумласидандир [2].

Фармацевтика саноатидаги бу ҳолат маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий муассасаларни ўз имкониятларига таянишга мажбур қилади. Янги дори воситаларини излаш ва ишлаб чиқаришда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги фармацевтика компаниялари ва олимларнинг аниқ дори воситаларига бўлган эҳтиёжни ва мақсадни мувофиқлигини асослашда имкон қадар ҳолис бўлишга ундайди.

Дори воситаларини ишлаб чиқиш жуда мураккаб, кўп омилли ва кўп босқичли жараёнدير. Ушбу жараённинг якуний мақсади сифатли маҳсулот олишдир. Сифат - биофаол модданинг ёки доривор маҳсулотнинг белгиланган мақсадга мувофиқлигидир [8].

Фармакологик таъсир турларини ва дори воситаларининг буюрилишини ҳисобга олиб, АТХ кодлар (Анатомик- терапевтик- кимёвий классификация тизими ЖССТ томонидан турли мамлакатларда дори моддаларини истеъмол қилишнинг статистик текширувларини ўтказиш методологиясининг халқаро стандарти сифатида қабул қилинган)- таснифи бўйича аллергияга қарши дори воситаларининг асосий рақобатчилари бўлиб, H02AB02 - гуруҳидаги глюкокортикоид дори воситалари, R06AE07 – синтетик аллергияга қарши таъсир қилувчи дори воситалари ва S01GX01 - қичима билан боғлиқ касалликларни даволаш учун мўлжалланган дори воситалари таснифи аниқланди (расм 1).



Расм 1. 2020 йилдаги АТХ кодлари бўйича антиаллергик дори воситаларининг базор кўрсаткичлари.

Айрим гуруҳлар учун чакана савдо сегментининг маркетинг таҳлили 2020-2021 йиллардаги фармацевтика бозори аудити мониторинги бўйича амалга оширилди ва 1-жадвалда келтирилди [3, 4].

1-жадвал

**Рўйхатдан ўтган аллергияга қарши препаратларнинг давлатлар кесимидаги таҳлили**

	Хорижий мамл		МДХ давлат		Ўзбекистон		Жами	
	умум	аллерг	умумий	аллерг	умум	аллерг	умум	аллер
2020	5325	124 (53%)	1842	36 (16%)	3090	72 (31%)	10257	232
2021	5873	133 (51%)	1839	50 (20%)	3069	75 (29%)	10781	258

Ўзбекистон Республикасининг Тиббиёт амалиётида қўлланишига руҳсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрининг навбатдаги нашри Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» давлат унитар корхонаси томонидан 2022 йил давлат рўйхатидан ўтказилган маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ҳамда субстанцияларнинг тўлиқ рўйхатларини ўз ичига олган.

Тиббиёт амалиётида қўлланишига руҳсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрининг № 26 нашрига маҳаллий ва хорижий давлатларнинг фармацевтик фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган 10781 номдаги дори воситалари, жумладан 5873 номдаги хорижий дори воситалари, МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчиларининг 1839 номдаги дори воситалари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 3069 номдаги дори воситалари рўйхати киритилган. Ушбу реестр асосида аллергияга қарши дори воситаларининг ҳозирги кундаги ишлаб чиқарилиш ҳолати, дори шакллари ва турлари, давлатлараро кесимидаги таҳлили ўрганиб чиқилди.


Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Республикамизда жами 258 та аллергияга қарши таъсирга эга препаратлар рўйхатдан ўтган бўлиб, шулардан 133 таси хорижий давлатлар, 50 нафари МДХ давлатлари ва 75 нафари маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади [3].

2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрида қайд этилган аллергияга қарши дори воситаларининг дори шакллари бўйича ассортиментини тақсимланиши қуйидаги жадвалда келтирилган (2- жадвал).

Аллергияга қарши дори препаратларининг дори шакллари бўйича  
ассортимент структураси


ДОРИ ШАКЛЛАРИ	Умумий сони	Маҳаллий фармацевтик корхоналар	МДХ дав. фармацевтик корхоналар	Хорижий фармацевтик корхоналар
Ичиш учун томчилар	15	5	1	9
Инъекцион эритмалар	34	18	7	9
Қобикли таблеткалар	72	14	5	53
Сироплар	24	7	4	13
Таблеткалар	44	18	11	15
<i>Суртмалар</i>	<i>21</i>	<i>6 (28%)</i>	<i>10 (47%)</i>	<i>5 (25%)</i>
Суспензиялар	4	1	2	1
Капсулалар	2	1	1	-
Кўз томчилари	18	3	1	14
Назал томчилар	2	1	1	-
Ичиш учун эритмалар	7	1	-	6
Кремлар	4	-	2	2
Геллар	4	-	1	3
Назал спрейлар	4	-	1	3
Драже	3	-	3	-
<b>Жами</b>	<b>258</b>	<b>75 (30%)</b>	<b>50 (20%)</b>	<b>133 (50%)</b>

Ўтказилган тадқиқотлар шуни ҳам аниқлашга имкон бердики, ҳозирги вақтда аллергия касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун дори воситаларининг 50% хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг дори воситаларидан иборат экан. Суртма дори шакллари асосий ишлаб чиқарувчилари МДХ давлатларидаги фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши маълум бўлди.




Расм 2. Маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан аллергияга қарши дори воситаларининг дори шакллари бўйича тақсимланиши (сонда)

Маҳаллий фармацевтик корхоналарда ишлаб чиқариладиган аллергияга қарши суртмалар дори шакллари Глюкокортикостероид гуруҳларга мансуб фармакологик препаратларни ташкил этиб, улар ДЕРМАВАЙТ (Dentafill Plus, МЧЖ), ДИРМОВЕЙТ (Ziyo Nur Farm, ХК), МЕРСЕЛЕКТОДЕРМ (MERRYMED FARM, МЧЖ), ПЕЛЕМЕТАЗОН (Pharmacon LLC, МЧЖ), СИНАФЛАН (ZIYO NUR FARM, ХК), МЕТАЦИТ (Pharmacon LLC, МЧЖ) кабилардир.



Расм 3. МДХ давлатлари фармацевтик корхоналар томонидан аллергияга қарши ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг дори шакллари бўйича тақсимланиши (сонда)

МДХ давлатларининг фармацевтик корхоналари, хусусан АКРИХИН, АО, НИЖФАРМ, АО, АЛТАЙВИТАМИНЫ, АО, БОРИСОВСКИЙ ЗАВОД МЕДИЦИНСКИХ ПРЕПАРАТОВ, ОАО, ЗЕЛЕНАЯ ДУБРАВА, ЗАО томонидан ишлаб чиқариладиган аллергияга қарши суртмалар асосан гормонал суртмаларни ташкил этди. Гормонал таъсирга эга бўлмаган суртма дори препаратларига мансуб фармакологик препаратлар топилмади.



Расм 4. Хорижий давлатларнинг фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган аллергияга қарши дори воситаларининг дори шакллари бўйича тақсимланиши (сонда)

Ушбу дори шакллари ассортименти орасида аллергияга қарши таъсир этувчи моддаси Diphenhydramine бўлган ДЕРМОДРИН 20 мг/г 20 г суртма дори воситаси хорижий фармацевтик корхоналар, хусусан Австриянинг “Pharmazeutische Fabric Montavit Ges.m.b.H” фармкомпанияси томонидан ишлаб чиқарилишини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, аллергияга қарши қўлланиладиган препаратлар гуруҳларидаги дори шакллари ассортименти, фармакологик таъсири, ишлаб чиқарувчилари истеъмолчилар орасида талаб даражаси аниқланди. Изланишлар натижасида аллергияга таъсир қилувчи тўғридан-тўғри табиий ўсимлик хомашёларидан ўз ичига олган доривор препаратлар топилмади. Шу сабабли, янги маҳаллий доривор хомашё – қорақиз ва қизилмия куруқ экстрактлари асосида тайёрланган суртмалар учун рақобатнинг асосий йўналиши нарх эмас, балки унинг сифати, самарадорлиги ва иқтисодий мавжудлиги билан боғлиқ. Бизга маълумки, иттиканак яъни қорақиз ўсимлигидан тайёрланган настойкалар, дамламалар, экстрактлар, йиғмалар ва суртмаларни халқ табobatiда, косметологияда қўлланилишини ва дахлама шаклида тинчлантирувчи, антиспазмолитик, яллиғланишга қарши, яраларга қарши, аллергияга қарши, регенератив, бактерицид таъсирга эга [7].

Шундай қилиб, ўтказилган дастлабки маркетинг тадқиқотлар маҳаллий ўсимлик хомашёси – қорақиз ва қизилмия куруқ экстрактлари асосидаги янги дори турини яратишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

**МУҲОКАМА.** Ўзбекистон фармацевтика бозорининг аллергияга қарши дори воситалар сегменти ўрганилди ва қуйидаги натижалар олинди:



1. Таҳлил натижаларига кўра, 2021 йилда Республикамизда жами 258 та аллергияга қарши таъсирга эга препаратлар рўйхатдан ўтгани қайд этилди.
2. Ассортименти ва уларнинг кенглиги бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ушбу йўналишдаги улуши йил сайин ўсиб бориши кузатилди.
3. Ўзбекистон фармацевтика бозорида аллергияга қарши дори препаратларнинг ассортименти ҳамда савдо номлари рўйхати шакллантирилди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.

1. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №26, 2021 г.
2. Приходько, О. Импортзамещение на пути к экономическому росту [Электронный ресурс] / О. Приходько // Ежедневник АПТЕКА. – 2011. – № 786 (15).
3. Компендиум 2014 – лекарственные препараты / под ред. В. Н. Коваленко. – К. : МОРИОН, 2014. – 2448 с.
4. Слободянюк, М. М. Оценка конкурентного потенциала сегментов лекарственных препаратов / М. М. Слободянюк, А. В. Ивченко // Вестн. журн. клинич. и лабор. медицины. – 2011. – Т. 6, № 3. – С. 102–105.
5. Афанасьева Ю.Г., Сыроева Т.В., Кильдияров Ф.Х. РАЗРАБОТКА СОСТАВА МАЗЕЙ ДЛЯ ПРИМЕНЕНИЯ В ДЕРМАТОЛОГИИ И ИХ ИССЛЕДОВАНИЕ. Медицинский вестник, Том 7, № 4, 2012. С.48
6. Болалардаги аллергия касалликлар. ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК. Тошкент 2013. 486.
7. Суяров А.А., Фозилжонова М.Ш, Хатамов Х.М. Маҳаллий хомашёлардан тери аллергиясини даволашда қўлланиладиган янги суртма дори шакли. “Инфекция, иммунитет ва фармакология” илмий амалий журнал. Тошкент, 2019. №1.-С.209-217.
8. Безуглая, Е. П. Методологический подход к фармацевтической разработке /Е. П. Безуглая, Н. А. Ляпунов, В. А. Бовтенко // Промышленное обозрение. – 2008. – № 6 (11). – С. 36–41.

#### MARKETING ANALYSIS OF THE MARKET SEGMENT OF MEDICINES FOR THE TREATMENT OF ALLERGIES

*Summary:* the nomenclature of anti-allergy drugs registered in the Republic of Uzbekistan, as well as the dynamics of registration on the basis of their content analysis were studied and analyzed. This article provides a comprehensive analysis of the situation in the pharmaceutical market of the

*Republic of Uzbekistan as a result of studying the amount of antiallergic drugs registered in 2021. Marketing research has also been conducted, which has confirmed the medical and social feasibility of developing a new drug in the form of an ointment based on plant raw materials to treat and prevent patients with allergies.*

**Key words:** *marketing, pharmaceutical market, production, pharmaceuticals, antiallergic drugs, method of comparison, content analysis, marketing research, recording, assortment breadth.*

### Фармацевтика фанлари

УДК 658.15,615.1

**Мадатова Назира Абдугаффаровна**

*Ф.ф.н., ФИТҚ кафедраси доценти,  
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш.*

**Сагиева Наргиза Юсуповна**

*ФИТҚ ва Б мутахассислигининг магистратура талабаси,  
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш.*

### ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАЛАРИНИНГ БОШҚАРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА CRM-ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** *Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган “Herbion international” хорижий фармацевтика корхонасининг маркетинг бўлимини бошқариш фаолиятига CRM-тизимини тадбиқ қилиш орқали олинган натижалар таҳлил қилинди. Фармацевтика корхонаси 2016 йилдан “Quadrasoft CRM” тизимини маркетинг бўлими бошқарувида жорий қилган. Ўтган вақт давомида ушбу тизим орқали корхонанинг нафақат сотув ҳажми, балки товар ассортименти ва иш кўлами ҳам ортган. CRM-тизимини фармацевтика корхоналарининг бошқарувида тадбиқ қилиш, шилаб чиқариш ва савдо тизимини самарадорлигини оширишга, корхонанинг рақобатбардошлигини кўтаришга ва мижозлар билан алоқаларни ривожлантиришга ёрдам берганлиги таҳлил қилинди.*

**Калит сўзлар:** *тизим, мижоз, фармацевтика корхонаси, бошқарув, дистрибьюторлик фаолияти, мижозлар базаси, функционал имкониятлар, CRM-тизим, ўртача чек, CRM-тизимни жорий этиш.*

## СОДЕРЖАНИЕ

### Медицинские науки

- 1 Курбанова Санобар Юлдашевна, Шомуротова Рухсора Куркмасовна, Жанабаева Азиза Куанышбаевна, Турдиев Пахлавон Кахрамонович. *ДЕЙСТВИЕ ПРЕПАРАТА «СТОМАДИН» НА МИКРОБИОТУ СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ ПОЛОСТИ РТА У ДЕТЕЙ*..... 3
- 2 Шарипова Зиёдахон Олимжон кизи, Умаров Бахтиёр Рахматович, Зияев Якуб Сахиевич. *ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРОБИОТИКОВ. НОВЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ СОЗДАНИЯ ПРОБИОТИКОВ В СОВРЕМЕННОЙ МЕДИЦИНЕ*..... 27

### Фармацевтические науки

- 1 Туреева Галия Матназаровна, Ишонкулова Наргиза Ферузовна. *РАЗРАБОТКА ОПТИМАЛЬНОГО СОСТАВА СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ФИТОПЛЁНОК НА ОСНОВЕ ХЛОРОФИЛЛИПТА И ХЛОРГЕКСИДИНА*..... 37
- 2 Зупарова Зулфия Ахрор кизи, Исмоилова Гузалою Мухутдиновна, Межлумян Лариса Гайковна, Рахимова Шахноза Рахимжоновна. *ИЗУЧЕНИЕ БЕЛКОВОГО И АМИНОКИСЛОТНОГО СОСТАВА ТРАВЫ ЭХИНАЦЕИ ПУРПУРНОЙ*..... 44
- 3 Холматов Саидкул Алламуратович, Исмоилова Гузалою Мухутдиновна Миррахимова Танзила Ахроровна, Зупарова Зулфия Ахрор кизи. *ПОЛУЧЕНИЯ ЖИДКОГО ЭКСТРАКТА ИЗ ЭХИНАЦЕИ ПУРПУРНОЙ И ИЗУЧЕНИЕ ЕГО НЕКОТОРЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ*..... 49
- 4 Сарварова Дилфуза Мусурмановна, Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна. *ИДЕНТИФИКАЦИЯ И СПЕЦИФИКАЦИЯ АНТИОКСИДАНТНОГО ПРЕПАРАТА «ЦЕРАКСИДОЛ»*..... 55
- 5 Фозилжонова Малика Шухратджановна, Камиллов Хусан Масудович, Рахимова Гулнора Рахим кизи. *МАРКЕТИНГОВЫЙ АНАЛИЗ СЕГМЕНТА РЫНКА ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ АЛЛЕРГИИ*..... 61
- 6 Мадатова Назира Абдугаффаровна, Сагиева Наргиза Юсуповна. *АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ ПРИМЕНЕНИЯ CRM-СИСТЕМЫ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ УПРАВЛЕНИЯ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ ПРЕДПРИЯТИЕМ*..... 69
- 7 Нарзуллаева Ирода Бахтиёр кизи, Ашуров Абдурахмон Акбаралиевич. *ИЗУЧЕНИЕ АНТИМИКРОБНОГО ДЕЙСТВИЯ И*